

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.QX.42.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭШМУРЗАЕВ ЖАСУР ЭЛМУРАТОВИЧ**

**ҚУЛУПНАЙНИНГ ЗАМБУРУҒЛАР ҚЎЗГАТАДИГАН АСОСИЙ  
КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025 йил**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Эшмурзаев Жасур Элмуратович**

Қулупнайнинг замбуруғлар кўзгатадиган асосий касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари

3

**Эшмурзаев Жасур Элмуратович**

Основные возбудители грибных болезней клубники и меры борьбы с ними

21

**Eshmurzayev Jasur Elmuratovich**

The main fungal diseases of strawberries and measures to control them

39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works

43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.QX.42.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭШМУРЗАЕВ ЖАСУР ЭЛМУРАТОВИЧ**

**ҚУЛУПНАЙНИНГ ЗАМБУРУҒЛАР ҚЎЗГАТАДИГАН АСОСИЙ  
КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2022. 4. PhD/Qx 1039 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.psuyati.uz](http://www.psuyati.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

- Илмий раҳбар:** **Рахмонов Убайдилло Нормаматович**  
Қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори (PhD),  
доцент
- Расмий оппонентлар:** **Эшчанов Баходир Рўзимбоевич**  
Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент
- Умаров Зафар Абдишукурович**  
Қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори (PhD),  
катта илмий ходим
- Етакчи ташкилот:** Сабзавотчилик, полиз экинлари ва картошқачилик  
илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01-рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_, соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [rahtaуз@mail.ru](mailto:rahtaуз@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Н.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.х.ф.д., профессор

**Ф.М.Ҳасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

**Ж.Ҳ.Ахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё бозорида резавор меваларга бўлган талабни ортиб бориши бу экин турлари билан банд бўлган майдонларни йилдан-йилга кенгайишига сабабчи бўлмоқда. Етиштириладиган резавор меваларнинг 70% қулупнай улушига тўғри келади. Бугунги кунда дунё бўйича қулупнай ўсимлиги 383 591 гектар майдонда етиштирилади, шундан Дунё бўйича ФАО маълумотиغا кўра, қулупнайдан 2020 йилда 8 893 384 тоннадан ортиқ ҳосил олинган.<sup>1</sup> Лекин, бутун дунё бўйича 1 га майдондан олинадиган ўртача ҳосил 12,8 тоннага тенг. Ҳозирги кунда қулупнай ўсимлигида катта иқтисодий зарар етказадиган касалликлар ҳосилнинг сифатига ва миқдорига салбий таъсири ошиб бормоқда. Зарарнинг олдини олишда касалликнинг тарқалиши ва ривожланишини аниқлаш, иқтисодий зарар миқдор мезонига асосланган ҳолда кураш усуллари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда қулупнай етиштириладиган барча экин майдонларида *Ramularia tulasnei*, *Calletotrichum fragaria*, *Verticillium dahlia* каби замбуруғлари кўзгатадиган касалликлари туфайли қулупнай ўсимликларининг ҳосилига сезиларли даражада хавф туғдирилмоқда. Бу замбуруғлар кўзгатадиган касалликлар таъсирида фақат ҳосил миқдори эмас, балки уларнинг товарлилик сифати ҳам пасайиб кетиши сабабли, мазкур касаллик кўзгатувчи замбуруғларга қарши кураш чораларини яратиш бўйича илмий изланишларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда 2020 йил 690 га очиқ майдонда ва 112 га ердаги иссиқхоналарда қулупнай етиштирилган. Республикамизда қулупнай етиштириладиган хўжаликларда зараркунанда хашаротлар ва касалликлар таъсирида ҳар йили ўртача 25-30% ҳосил йўқотилади<sup>2</sup>. Шу сабабли бу организмларни келтирадиган зарарини камайтириш ва уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Қулупнай эрта етилиши, етиштириш шароитига у қадар талабчан бўлмаганлиги, мазали таъмга эгаллиги ҳамда қишдан сўнг инсонларни витамин ва бошқа қимматли озиқа элементларига бўлган талабини биринчи бўлиб қондириш билан ўзига хос ўрин тутган резавор мева ҳисобланади. Тошкент вилояти шароитида унинг ҳосили 4-5 т/га дан ошмайди. Қулупнай ҳосилининг бундай кам бўлишига бир қанча омиллар қатори уларга зараркунанда хашаротлар ва касалликларнинг салбий таъсирини асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Шунини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда кейинги йилларда аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва уларнинг хилма-хиллигини кўпайтириш бўйича қишлоқ хўжалигида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23-октябрдаги ПФ-5853 сон фармонида 2020-2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясида касаллик ва зараркунандаларга чидамли,

<sup>1</sup> FAOstat, 2023, <https://www.fao.org/faostat/en/data>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йилдаги маълумоти. <https://www.agro.uz>

табий тупроқ иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралда ПҚ-5009 сон қарорида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора тадбирлари” тўғрисидаги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммоннинг ўрганилганлик даражаси.** Кулупнай етиштирилладиган барча давлатларда унинг касалликлари, шу жумладан замбуруғлар кўзгатадиган касалликлари ва уларга қарши курашиш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот Х.Л. Fang, Г.Ф. Говорова, Д.Н. Говоров, З.И. Колесник, В.И. Андреева, Э.А. Власова, В.И. Кивченко, О.З. Метлицкий, О.В. Скрипка, Л.А. Марченко, S.T. Koike, H.F. Avenot, П. Шуберт, Х. Шверзел, Y.T. Zhang, G.F. Theodoro, A.F. Fagherazzi, Порта-Рудлиа, А. Мифсуд, П.В. Мартинез-Сулебрас каби олимлар томонидан амалга оширилган. Маҳалий олимлар Н.Г. Запромёттов ва П.Н. Головинлар замбуруғ микофлораси ва З.И. Колесник томонидан кулупнайни оқ доғланиш касаллигига тегишли маълумотлар XX асрнинг 70 йилларида олинган бўлиб, унда келтирилган маълумотлар кулупнай етиштиришнинг ҳозирги ҳолатини ўзида акс эттира олмайди.

Республикада кулупнай ўсимлигида учрайдиган касалликлар ҳақида юқоридаги олимлар томонидан морфологик ва синтактик кўринишда маълумотлар берилган, аммо кулупнай навларида энг кўп учрайдиган замбуруғлар кўзгатадиган касалликларни тарқалиши, ривожланиши ва кўзгатувчи замбуруғларни турлари ҳамда касалликларга қарши кураш усуллари бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Олиб борилган тадқиқот ишлари Тошкент давлат аграр университети Агробиотехнология кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида 2.7 “Доривор ўсимликлар интродукцияси ва ўсимликларни химоя қилишда биотехнологик усулларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган (2017-2019 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Кулупнайнинг замбуруғлар кўзгатадиган касалликларини аниқлаш ва уларнинг тарқалиши, ривожланиши, зарарини ўрганиш, касаллик кўзгатувчиларнинг айрим биологик хусусиятларини ҳамда патогенлигини аниқлаш ва касалликларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат: Тошкент вилоятида етиштириладиган кулупнайнинг замбуруғлар кўзгатадиган

касалликларини аниқлаш, уларнинг кўзгатувчиларини соф културасини ажратиш ҳамда турини морфологик идентификация қилиш;

қулупнай экилган хўжаликларда учрайдиган касалликларни доминант турларини тарқалиши, ривожланиши ва зарарини аниқлаш;

касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг айрим биологик хусусиятларини ва патогенлигини ўрганиш;

қулупнайнинг замбуруғлар кўзгатадиган касалликларига чидамли бўлган навларини аниқлаш;

қулупнайда касаллик кўзгатадиган замбуруғларга қарши кимёвий фунгицидлар ва биологик фунгицидларнинг турли концентрацияларини ҳамда сарф-меъёрларини ва муддатларини лаборатория шароитида, вегетацион ва ишлаб чиқариш тажрибаларида синаш;

самарали натижалар берган биологик ва кимёвий фунгицидларни биологик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** қулупнай навлари (Албион, Чарли, Колхуян, Минхуян, Изобелла ва Победа) ва уларда замбуруғлар кўзгатадиган касалликлари (кўнғир доғланиш, бурчакли доғланиш, антракноз, ун шудринг, фузариоз сўлиш) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети бўлиб**, қулупнайда касаллик кўзгатадиган замбуруғ турлари (*Diplocarpan earliana*, *Dendro phomo obccurans*, *Colletotrichum fragaria*, *Sphaerotheca maculapis*, *Fusarium oxysporum*), уларнинг културал-морфологик белгилари, келтирадиган зарари ва касалликларига қарши қўлланиладиган фунгицидлар ҳамда биологик препаратларнинг самарадорлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қулупнай касалликларининг тарқалиши, ривожланиши ҳамда зарари А.Е.Чумаков ва Т.И.Захарова, М.И.Дементева усуллари ёрдамида аниқланган ҳамда қулупнайда касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг микроскопик кўринишини ва соф културасини ажратиш Е.А.Николская, С.Е.Головин усуллари асосида ва уларни систематик ўрнини аниқлашда Б.А.Хасанов келтирган манбалардан фойдаланилган ҳамда ажратилган замбуруғларнинг патогенлик хусусиятлари А.Е.Чумаков ва бошқалар келтирган усул ёрдамида аниқланган, қулупнай касаллигини ўрганиш бўйича тажрибалар Т.М.Хохряков, Г.Ф.Говоров ва Г.Ф.Горова келтирган усуллар асосида қўйилган ҳамда қулупнай касалликларига қарши ишлатилган биопрепаратлар ва фунгицидларнинг биологик самарадорлиги М.И.Дементева тавсия қилган усулда ҳисоблаб чиқилган. Қулупнайда қайд этилган касаллик кўзгатувчи замбуруғлар тури И.М.Пидопличко, ва В.И.Билай, Н.Л.Варнетт, Е.Г.Симмонс, М.А.Литвиновларнинг аниқлагичларидан фойдаланиб аниқланган, хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлиги Ш.Т.Хўжаев, А.Ф.Ченкин ва бошқаларнинг усулларида фойдаланиб аниқланган, тадқиқотнинг натижаларини статистик таҳлил қилишда Б.А.Доспехов келтирган усул ёрдамида аниқланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат: тадқиқотлар туфайли, қулупнайда замбуруғ кўзгатадиган 8 тур касалликлар аниқланди ва улар орасида Ўзбекистон Республикаси шароити учун илмий адабиётларда

аввал келтирилмаган қўнғир доғланиш (касаллик қўзғатувчиси *Diplocarpan earliana* Ell.et Ev.Walf.), бурчакли доғланиш (касаллик қўзғатувчиси *Dendrophoma obcurans* Ell.et Ev.Anders.), антракноз (касаллик қўзғатувчиси *Colletotrichum fragariae* Brooks.), ун шудринг (касаллик қўзғатувчиси *Sphaerotheca maculapis magn. f. fragariae* Joz.), фузариоз сўлиш (касаллик қўзғатувчиси *Fusarium oxysporum f. sp. fragariae* Winks et Williams.) каби касалликлар биринчи марта қайд этилган;

кулупнайнинг аниқланган касалликлари орасида биринчи марта қўнғир доғланиш, бурчакли доғланиш, антракноз, кулранг чириш, ун шудринг, вертициллёз сўлиш, фузариоз сўлиш тарқалиши ва ривожланиши ўрганилган; кулупнайнинг фузариоз сўлишни қўзғатувчи *Fusarium oxysporum f. sp. fragariae* замбуруғ турининг патогенлик хусусияти аниқланган;

кулупнайда кенг тарқалган оқ доғланиш, кулранг чириш, фузариоз сўлиш касалликларига нисбатан навларнинг чидамлилиги ўрганилган;

кулупнайнинг кулранг чириш ва оқ доғланишига қарши фунгицидларнинг ҳамда фузариозига қарши эса биопрепаратнинг қўллаш ҳамда муддатлари, уларнинг самарали сарф-меъёрлари аниқланиб, уларни биологик самарадорлиги мос равишда 85,8%, 90,9% ва 76,6% ҳамда рентабеллиги мувофиқ ҳолда 25,3%, 30,1% ва 20,0% тенг бўлиши ҳисоблаб топилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

кулранг чиришга чидамли нав “Изабелла” эканлиги қайд этилди ва бу навда касалликни тарқалиши 10,2%, ривожланиши 0,06% ни, индекси 0,6% ташкил этганлиги аниқланган ҳамда кулранг чириш касаллигига қарши, унга чидамли бўлган Изабелла навини экиш тавсия қилинган;

Чарли ва Минхуян навлари фузариозга нисбатан чидамли бўлиб, уларда касалликнинг тарқалиши 12,8% ва 17,6%, ривожланиши 5,6% ва 8,4%, индекси эса 0,7% ва 1,5% бўлиши кузатилган ҳамда кулупнай плантацияларни ташкил этишда бу навлардан фойдаланиш тавсия этилган;

кулранг чиришга қарши Дифен супер 55%, н.кук. фунгицидининг 0,08 кг/га сарф меъёри, оқ доғланишга қарши Акробот МС с.д.г. фунгицидининг 2,0 кг/га сарф меъёри қўлланилганда биологик самарадорлик 86,1% натижа берган;

фузариоз сўлишга қарши Оргамик Ф биопрепаратининг  $1 \cdot 10^8$  кхқб/мл титри яхши натижа берган ва 3,0 л/га сарф меъёрини мазкур касалликка қарши қўллаш энг самарали эканлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лаборатория шароитида, вегетацион ва ишлаб чиқаришдаги дала тажрибаларида фитопатологияда қабул қилинган усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган тажрибалар натижасида олинган маълумотларни бир-бирига мос келганлиги; амалга оширилган тадқиқотларнинг таҳлил қилинганлиги, ўтказилган тажрибаларда республикада ва хорижий мамлакатларда кенг ишлатиладиган ҳамда апробациядан ўтган усулларнинг қўлланилганлиги, тажрибаларни ҳар йили Тошкент давлат аграр университети олимлари иштирокида апробациядан ўтганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий

анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек илмий нашрларда мақолаларнинг чоп этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Амалга оширилган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Тошкент вилояти шароитида қулупнайнинг *Ramularia tulasnei* Sacc., *Botrytis cinerea* Pers ва *Fusarium oxysporium f. sp. fragaria* замбуруғлари қўзғатадиган касалликларини аниқланганлиги ва уларнинг тарқалиши, ривожланиши ҳамда зарарини ўрганилганлиги ва *F. oxysporium f. sp. fragaria* замбуруғининг патогенлик хусусиятининг ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса касалликларига чидамли бўлган Минхуян, Чарли, Изобелла навларини плантациялар ташкил этишга тавсия этилганлиги, касалликларга қарши қўллаш учун фунгицидлар ва биопрепаратнинг сарф-меъёрлари ҳамда муддатларининг таъвсия қилинганлиги ва бу препаратларнинг биологик ҳамда иқтисодий самарадорлиги амалий жиҳатдан исботланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қулупнай ўсимлигида замбуруғлар қўзғатадиган касалликларини аниқлаш ҳамда уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича лаборатория ва дала шароитида олиб борилган илмий изланишлар натижалари асосида:

“Қулупнайнинг замбуруғлар қўзғатадиган касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари” бўйича (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази 2024-йил 3-июл 05/06-04-303-сонли маълумотномаси) тавсиянома ишлаб чиқилган ва амалиётда деҳқон, фермер хўжаликларида фойдаланишга жорий қилинган.

қулупнайнинг кулранг чириш касаллигига қарши Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани “Турдибоев Қурбонбой” ф/х 12 гектар майдонида қулупнай даласида кимёвий препаратлардан Дифен супер 55%, н.кук (0,08 кг/га), Хорус с.д.г.(0,13 кг/га) ва андоза вариантыда Бордо суюқлиги 1% ли (10 кг/га) қўлланилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази 2024-йил 3-июл 05/06-04-303-сонли маълумотномаси). Натижада Дифен супер қўлланилган вариантда -85,8%, Хорус с.д.г. фунгицидида – 74,2% андоза варианты бўлган Бордо суюқлигида –67,5% биологик самарадорликка эришилган;

қулупнайнинг оқ доғланиш касаллигига қарши Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани “Шарофбой Нуоров” ф/х 1 гектар, Тошкент вилояти Қибрай тумани ТошДАУ АММ ДУК нинг 0,20 га қулупнай даласида кимёвий препаратлардан Акробат МС с.д.г. (2,0 кг/га), Фундазол 50% н.кук. (2,0 кг/га) ва андоза варианты Бордо суюқлиги 1% ли (10 кг/га) қўлланилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази 2024-йил 3-июл 05/06-04-303-сонли маълумотномаси). Натижада Акробат МС с.д.г. қўлланилган вариантда мос равишда - 86,1% ва 90,9%, Фундазол 50% н.кук. фунгицидида – 86,1% ва 85,1%, андоза варианты бўлган Бордо суюқлиги билан ишлов берилган вариантда – 73,1% ва 75,2% биологик самарадорликка эришилган;

қулупнайнинг фузариоз касаллигига қарши Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани “Рихсибойобод” ф/х 2,5 гектар, ТошДАУ АММ ДУК нинг

0,20 га қулупнай даласида биопрепаратлардан Оргамика Ф  $1 \cdot 10^8$  кхқб/мл 1% ли концентратсияси 3,0 л/га ва Триходермин  $6 \cdot 10^9$  кхқб/мл 1% ли концентратсияси 3,0 л/га қўлланилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази 2024-йил 3-июл 05/06-04-303-сонли маълумотномаси). Натижада Оргамика Ф қўлланилган вариантда мос равишда – 74,7% ва 76,6%, Триходермин – 69,6% ва 70,3% биологик самарадорликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси** Лаборатория ва дала тажрибалари ҳар йили Тошкент давлат аграр университети махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган, ҳисоботлар илмий кенгашларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, шундан маҳаллий журналларда 2 та, халқаро журналларда 1 та илмий мақола, шунингдек илмий анжуманларда 5 та тезислар ва 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертацияни ҳажми 120 бетни ташкил қилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг амалий аҳамияти очиқ берилган, амалиётга жорий қилиниши нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши, тартиби ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қулупнайнинг замбуруғлар кўзгатадиган асосий касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари” (адабиётлар шарҳи)** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, дунёдаги етакчи олимлар илмий ишларининг натижалари, қулупнай касалликларининг ўрганилганлиги, касалликларнинг тарқалиши, зарари, кўзгатувчилари ва уларнинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ҳамда бу касалликларга қарши кураш чоралари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган жой, объектлари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой, унинг материаллари ва усуллари бўйича маълумотлар берилган.

Қулупнайнинг кенг тарқалган замбуруғли касалликларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар 2017-2019 йилларда Тошкент вилояти Юқоричирчиқ, Қибрай, Зангиота ва Ўртачирчиқ туманларидаги хўжаликларда вегетацион ва кичик дала тажрибалари ўтказилди ҳамда лаборатория тажрибалари “Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси ва агробиотехнология” кафедрасида олиб борилган. Қулупнайнинг кенг тарқалган замбуруғли касалликларининг тарқалиши, ривожланиши ва зарари М.И.Дементева, А.Е.Чумаков ва

Т.И.Захаровалар усулларида аниқланган. Касалланган ўсимлик аъзоларидан гербарийлар тайёрлаш, замбуруғларнинг соф културасини ажратиш ва биологик хусусиятларини ўрганишда, кимёвий ҳамда биологик препаратларни касалликларга қарши қўллашда Е.А.Николская, Э.А.Ковал, Л.Т.Горбек, Б.А.Хасанов, Г.Ф.Говорова, Г.П.Говоров, Н.М.Пидопличко, В.И.Билай, Ҳ.Л.Барнет, Э.Г.Симмонс усулларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг “Қулупнайнинг замбуруғлар кўзгатадиган касалликлари тур таркиби, тарқалиши, ривожланиши ва зарарининг Тошкент вилояти далаларида учраши” деб номланган учинчи бобида Тошкент вилоятининг айрим туманларидаги қулупнай экилган далаларда 2017-2019 йилларда олиб борилган тадқиқот натижалари берилган бўлиб, унда қулупнайнинг замбуруғлар кўзгатадиган 8 та касаллиги қайд этилган ва бу касалликларнинг ташхиси, тарқалиши ҳамда ривожланиши келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

### Қулупнайнинг Тошкент вилояти шароитида аниқланган касалликлари

Т/р	Касалликларнинг номи.	Касаллик кўзгатадиганининг латинча номи	Замбуруғлар кўзгатадиган касалликлар қайд этилган манбалар			
			Н.Т.Запрометов (1926-1928)	Флора грибов Ўзбекистана (1983-1997)	З.И.Колесник (1969)	Тадқиқотлар имизга кўра (2017-2019)
1	Оқ доғланиш	<i>Ramularia tulasnei</i> Sacc. ( <i>Mycosphaerella fragariae</i> (Tul.)Lind.	+	+	+	+
2	Кўнғир доғланиш	<i>Diplocarpan earliana</i> (Ell.et Ev.) Wolf.	-	-	-	+
3	Бурчакли доғланиш	<i>Dendrophoma obcurans</i> (Ell.et Ev.) Anders.	-	-	-	+
4	Антракноз	<i>Colletotrichum fragariae</i> .Brooks.	-	-	-	+
5	Кулранг чириш	<i>Botrytis cinerea</i> Pers. ( <i>Sclerotinia fuckeliana</i> (De Bary) Fuckel.)	+	+	-	+
6	Ун-шудринг	<i>Sphaerotheca Maculapis magn.f. fragariae</i> Jaез.	-	-	-	+
7	Вертициллёз сўлиш	<i>Verticillium dahlia</i> Kleb.	-	+	-	+
8	Фузариоз сўлиш	<i>Fusarium oxysporum f. sp. fragaria</i> Winks et Williams.	-	-	-	+

Аниқланган касалликлар орасида кулранг чириш касаллигини тарқалиши 17,8-25,4% ва ривожланиши 8,6-13,2% бўлган. Бу кўрсаткич оқ доғланишда мувофиқ ҳолда 16,8-29,3% ва 7,9-14,5% ни ташкил этган бўлса, фузариоз сўлишда 13,1-20,4% ва 6,7-11,3% га, вертициллёз сўлишда эса 4,9-6,6% ва 2,1-3,0% га тенг бўлганлиги аниқланган (2-жадвалга).

Кўнғир доғланиш ва бурчакли доғланиш касалликлари фақат Юқоричирчиқ ҳамда Ўртачирчиқ туманларида антракноз касаллиги эса фақат Ўртачирчиқ туманида қайд этилиб, уларнинг тарқалиши мос равишда 5,0-7,6% ва 2,2-4,0%, 5,4-6,0% ва 2,6-3,1% ни 5,4% ва 2,5% ни ташкил этган.

Тошкент вилояти шароитида қулупнайда замбуруғлар кўзгатадиган касалликлардан кулранг чириш, оқ доғланиш ва фузариоз сўлиш бошқаларга қараганда кўпроқ учраши ва уларнинг келтирадиган зарари сезиларли бўлиши қайд этилган. Шу сабабли кейинги тадқиқотлар ушбу учта касалликларни ўрганишга бағишланган.

**Кулупнайнинг замбуруғлар қўзғатадиган касалликларини 2017-2019 йилларда Тошкент вилоятида тарқалиши ва ривожланиш даражаси**

Т/р	Касалликнинг نامи	Тошкент вилояти туманлари									
		Юкоричирчик		Ўртачирчик		Қибрай		Тошкент		Зангиота	
		кас а л л и к									
		тарқалиши %	ривожланиши%	тарқалиши %	ривожланиши %						
1	Оқ доғланиш	29,3	14,5	22,5	12,4	26,4	13,2	20,2	11,3	16,8	7,9
2	Қўнғир доғланиш	5,0	2,2	7,6	4,0	-	-	-	-	-	-
3	Бурчакли доғланиш	5,4	2,6	6,0	3,1	-	-	-	-	-	-
4	Антракноз	-	-	5,4	2,5	-	-	-	-	-	-
5	Кулранг чириш	25,4	13,2	20,5	9,8	21,9	11,2	18,9	10,1	17,8	8,6
6	Ун-шудринг	6,3	2,4	5,6	2,1	-	-	-	-	-	-
7	Вертициллёз сўлиш	-	-	4,9	2,3	5,2	2,1	6,6	3,0	-	-
8	Фузариоз сўлиш	13,1	6,7	19,5	8,9	15,8	7,9	19,7	10,8	20,4	11,3

Оқ доғланиш касаллигини энг кўп учраши “Шарофбой Нуоров” ф/х да кузатилган. Бу хўжаликда касалликнинг тарқалиши 18,6-38,1%, ривожланиши эса 7,0-26,3% ни ташкил этган. Соғлом ўсимликларга нисбатан ҳосилнинг йўотилиши 11,4%, яъни ҳар гектар майдондан 4,2 ц/га ҳосил йўқотилганлиги аниқланган. Мазкур касалликнинг энг кам кўрсаткичи “Рихсибойобод” ф/х да қайд этилиб, унда касалликнинг тарқалиши 10,3-26,7% ва ривожланиши 3,7-15,4% га, ҳосилни йўқотилиши эса 4,2%, яъни 1,6 ц/га бўлган.

Бу касалликни қўзғатувчи замбуруғнинг ривожланиши учун ҳарорат ва намлик етарли бўлган 2017 йилда касалликнинг тарқалиши 26,7-38,1% ва ривожланиш 15,4-26,3%, касаллик қўзғатувчи замбуруғ учун нисбатан ноқулай келган 2018 йилда бу кўрсаткич 10,3-18,6% ва 3,7-7,0% га тенг бўлган.

Кулупнайда кулранг чириш касаллигини кўпроқ учраши ёғингарчилик нисбатан юқори бўлган 2017 йилда кузатилган ва унинг тарқалиши 17,6-25,7%, ривожланиши 7,7-12,1% бўлганлиги аниқланган. Нисбатан ёғингарчилик кам бўлган 2018 йилда бу кўрсаткич мос ҳолда 7,0-12,6% ни ташкил этган.

Кулранг чириш касаллигининг энг кўп учраши “Турдибоев Қурбонбой” ф/х да кузатилган ва унинг тарқалиши 12,6-25,7%, ривожланиши 5,9-12,1%, касаллик туфайли ҳосил йўқотилиши 3,8 с/га ёки 12,3% бўлганлиги қайд этилган ва унинг нисбатан кам бўлиши “Рихсибойобод” ф/х кузатилиб, унда касалликни тарқалиши 7,0-17,6%, ривожланиши 3,1-7,7% ни, 2,3 с/га ёки 6,0% ни ташкил этган.

Фузариоз сўлиш касаллигининг йиллар бўйича учраши таҳлил қилинганда, бу касалликнинг кўп учраши 2018 йилда кузатилди, бу йил касалликнинг тарқалиши 7,6-14,7%, ривожланиши 2,8-7,9 % бўлган. 2017 йил бу кўрсаткич мос ҳолда 5,3-10,4% ва 2,2-4,1% ни ташкил этган бўлса, 2019 йил унинг кўрсаткичи 6,7-11,4% ва 3,0-4,8% га тенг бўлган.

Фузариоз сўлиш касаллигининг 2018 йилда бошқа йилларга нисбатан кўпроқ бўлишига, мазкур йилда ёғингарчиликнинг кам бўлиши ва ҳаво намлигининг бироз пастроқлиги сабабчи бўлиши мумкин. Кулупнайнинг фузариоз касаллигини нисбатан кўпроқ учраши “Рихсибойобод” ф/х да қайд

этилиб, бу ерда унинг тарқалиши 10,4-14,7 % ва ривожланиши 4,1-7,9 % бўлган ва 4,1-9,7 % ҳосил йўқотилиши аниқланган. Бу касалликни нисбатан кам учраши ТошДАУ ҳузуридаги АММ ДУК да кузатилиб, унинг тарқалиши 5,3-7,6 % ва ривожланиши 2,2-2,8 %, ҳосилнинг йўқотилиши 4,1% ни ташкил этган. Касалликнинг учрашидаги бундай фарқ бу хўжаликларда экилган қулупнайни навига, мазкур ерда олиб борилган агротехник тадбирларга ва уларнинг сифатига боғлиқ бўлиши мумкин.

Диссертациянинг “Қулупнайда асосий касалликларини қўзғатувчи замбуруғларга ташқи муҳит омилларини таъсири” деб номланган тўртинчи бобида қулупнайнинг оқ доғланиш, кулранг чириш ва фузариоз касалликларига морфокултурал белгилари, уларга таъсир қилувчи ташқи муҳит омиллари, уларнинг фитотоксик ва патогенлик хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

**Оқ доғланиш касаллигини қўзғатувчи замбуруғнинг конидияларини** униши учун 80% намлик ҳамда 18°С ҳарорат энг қулай бўлиши аниқланган ва бундай шароитда конидиялар 100% униб чиқган. Конидияларни униши 2°С ва 30°С ҳароратда уч суткадан кейин ҳам кузатилмаган. 80 % намликда 3°С ҳароратда уч суткадан сўнг 21,9% конидиялар униб чиқган. Оқ доғланиш касаллигининг тарқалиши ва ривожланиши бевосита ҳароратга ҳамда намликка боғлиқ эканлиги тажрибада аниқланган.

Қулупнайда оқ доғланиш касаллигини қўзғатувчи *Ramularia tulasnei* штампларини агарли картошка қайнатмасидан тайёрланган озиқа муҳитида ўсиши секин кечиб, 10 суткадан сўнг улар ҳосил қилган колонияларнинг диаметри 3-6 мм, 20 суткадан кейин эса уларнинг диаметри 10-15 мм га етган. Мицелийлари аввал оқ, пушти ва кейин кўнғир тус олган. Колониялар 20 суткадан сўнг бахмалсимон кўринишга эга, юзасида бурмалар бор бўлиб, кўплаб конидиялар ҳосил қилган. Колониясининг орқа томони қора рангга кириши кузатилган.

Мицелийлари шохланган бўлиб, конидиялари занжир ҳосил қилиб жойлашган. Конидия бандлари якка ҳолда, ўлчами 7,5-11 ва 4,5-5,4 мкм, конидиялари рангсиз, ўлчами 15-33 ва 4,5-5,4 мкм га тенг бўлган.

Оқ доғланиш касаллигини қўзғатувчи замбуруғ Чапек озиқа муҳитида ҳам жуда секин ривожланган. Петри лycopчасига экилганидан 10 суткадан сўнг унинг ҳосил қилган колонияларини диаметри 7-8 мм дан ошмаган. Мицелийси оқ рангда, колонияси чегараланган, субстратдан кўтарилган. Олдинги озиқа муҳитига нисбатан конидияларнинг ҳосил бўлиши камроқ бўлган.

Кулранг чириш касаллигини қўзғатувчи *B. cinerea* замбуруғига ҳароратнинг таъсири ўрганилган.

Бунда замбуруғ ҳосил қилган колонияларнинг диаметри 20°С ҳароратда 3 мм бўлган бўлса, 25°С ҳароратда бу кўрсаткич 5 мм ни ташкил этган. 8-куни 25°С ҳароратда замбуруғ Петри лycopчаларини бутунлай қоплаб олган. 20°С ҳароратда ўстирилган замбуруғлар 9-куни Петри лycopчаларини бутунлай қоплаб олган. Тажрибалар натижасида *B. cinerea* замбуруғи 5°С ҳароратдан бошлаб ўсган бўлса, 35°С ҳароратда унинг ўсишини тўхташи кузатилган. *B. cinerea* замбуруғи ўзи учун қулай бўлган ҳароратда тез ўсиб, ривожланиши ва кўплаб спора ҳосил қилиши қайд этилган.

Ўтказилган тажрибалар натижасида *B. cinerea* замбуруғи 4-35°С ҳарорат орасида ўсиб колониялар ҳосил қилиши ва унинг ривожланиши учун энг қулай ҳарорат 20-25°С ҳарорат бўлиши аниқланган.

Кулупнайнинг касалликка чалинган намуналаридан *Fusarium* туркумига мансуб *F.oxysporum f. sp. fragaria* Winks et Williams., *F.sporotrichiella* Bilai, *F.salani* (Mart) App. et Wг турларининг соф културалари ажратилган. Бу замбуруғ турларини кулупнай ўсимлигига нисбатан патогенлик хусусиятлари ўрганилган.

Тажрибаларда *F.oxysporum f. sp. Fragaria* замбуруғ тури қўлланилган вариантда энг юқори патогенлик хусусияти кузатилган. Бу вариантда касалланган ўсимликлар 90,0% ни, касалликнинг ривожланиши 32,4% ни ташкил этган. Бу кўрсаткич *F.sporotrichiella* замбуруғи қўлланилган вариантда мос ҳолда 20,0%, ва 7,1% га тенг бўлган. *F.solani* тури қўлланилган тажриба вариантыда эса юқоридаги кўрсаткич мувофиқ равишда 10,0% ва 3,6% бўлганлиги қайд этилган.

Тажрибалар натижасида олинган маълумотларга асосланиб, кулупнайнинг фузариоз касаллигини Тошкент вилояти шароитида *F.oxysporum f. fragaria* Winks et Williams. замбуруғ тури кўзғатиши аниқланган.

Диссертациянинг **“Кулупнайнинг замбуруғ кўзғатадиган асосий касалликларига қарши кураш чоралари”** деб номланган бешинчи бобида, оқ доғланиш, кулранг чириш ва фузариоз касалликларига қарши кулупнай навларини чидамлилигини ўрганиш ва замонавий фунгицидларнинг самарадорлиги ҳамда уларнинг ҳосилга таъсирини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Оқ доғланиш касаллигига кулупнайнинг Минхуян ва Чарли навлари чидамли эканлиги аниқланган. Бунда Минхуян навида касалликнинг тарқалиши 9,2%, ривожланиши 3,3%, касалликнинг индекси 0,3% бўлиши қайд этилган. Мазкур навнинг касаллик туфайли соғломига нисбатан бир дона мева оғирлигининг йўқотилиши 1,0% га, бир тупдаги мевалар сони 1,4% га камайиши кузатилган. Бу кўрсаткич Чарли навида мувофиқ равишда 4,3% ва 2,9% ни ташкил этган.

Кулупнай ҳосилининг энг кўп йўқотилиши Ўзбекистон (29,8%) ва Памят Шредера (23,5%) навларида қайд этилган. Мазкур навлар ҳосилининг йўқотилиши мевалар сонининг камайиши туфайли содир бўлган.

Тадқиқотлар давомида кулранг чириш касаллигига чидамли нав Изобелла эканлиги қайд этилган. Бу навда касалликнинг тарқалиши 10,2%, ривожланиши 0,6% ни, индекси, 0.06% ни ташкил этган.

Победа, Минхуян, Албён навлар эса чидамсиз эканлиги кузатилди ва улардаги касалликнинг тарқалиши мувофиқ равишда 50,4%, 58,8%, 62,0%, ривожланиши 23,3%, 20,6%, 24,2%, индекси 11,7%, 12,1%, 15,0%, га тенг бўлган.

Чарли ва Минхуян навлари фузариозга нисбатан чидамли бўлиб, уларда касалликнинг тарқалиши 12,8% ва 17,6%, ривожланиши 5,6% ва 8,4 % , индекси эса 0,7% ва 1,5% бўлиши кузатилган. Колхуян нави нисбатан чидамли, Албион нави эса ўртача чидамсиз эканлиги аниқланган ва уларда касалликнинг тарқалиши 20,4 % ва 24,2%, ривожланиши 10,5% ва 12,1%, индекси 2,1% ва 3,3% ни ташкил этган.

Тадқиқотлар давомида кулранг чириш ва оқ доғланиш касалликларига қарши Ўзбекистон Республикасида қўллаш учун рухсат этилган, лекин қулупнай ўсимлигида синаб кўрилмаган айрим фунгицидларнинг шу касалликнинг қўзғатувчисига қарши таъсири ўрганилган. Қулупнайнинг кулранг чириш касаллигини қўзғатувчи *V.cinerea* замбуруғига фунгицидларни таъсири лаборатория шароитида ва вегетацион тажрибаларда синовдан ўтказилган. Тажрибалар учун фунгицидлардан Дифен супер 55% н. кук. нинг 0,07% ва 0,08% ли, Хорус с.д.г. 0,07% ва 0,13% ли концентрациялари *V.cinerea* замбуруғининг штаммларига нисбатан лаборатория шароитида синаб кўрилган. *V.cinerea* штаммларни фунгицидларга нисбатан чидамлилиги турлича бўлган. *V.cinerea* штаммлар орасида Хорус с.д.г. фунгициди га нисбатан чидамлилиги кўпроқ учраган. Бу фунгициднинг 0,07% концентрациясига нисбатан чидамли штаммлар 22,9% ни ташкил қилган. 0,13% концентрацияси қўлланилган вариантда бу кўрсаткич 13,7% га тенг бўлган. Дифен супер 55% н.кук. ишлатилган тажриба вариантларида бу препаратга чидамли бўлган штаммлар фунгициднинг 0,07% ли концентрацияси қўлланилган вариантда кузатилиб, бу кўрсаткич 1,3% ни ташкил этган. Мазкур фунгициднинг 0,08% ли концентрациясига бирорта ҳам чидамли штаммлар қайд этилмаган.

Юқоридаги фунгицидларнинг *V.cinerea* замбуруғи штаммларининг колонияларини ўсиши ва ривожланишига таъсири ҳам ўрганилган. Дифен супер фунгицидининг 0,07% ва 0,08% ли концентрациялари таъсирида фақат битта штамм озиқа муҳитига препаратнинг 0,07% ли концентрацияси қўшилган вариантда 7 кунда диаметри 3 мм га етган колония ҳосил қилган, 0,08% ли концентрацияси қўшилган тажриба вариантларининг бирортасида ҳам замбуруғ штаммларининг ўсиши кузатилмаган. Назоратда синалган штаммларнинг барчасини ҳосил қилган колонияларининг диаметри бу муҳитда 60 мм га етган. Хорус фунгицидининг 0,07% ва 0,13% ли концентрацияси қўшилган озуқа муҳитларининг 0,07% концентрациясида ҳосил бўлган колонияларни диаметри 7 кун давомида 1-30 мм га етган. Бу кўрсаткич назоратда 60 мм бўлганлиги қайд этилган. Кулранг чиришга қарши фунгицидларни таъсири аниқлаш бўйича вегетацион тажрибаларда Дифен супер н.кук. ва Хорус с.д.г. фунгицидлари бир неча сарф-меъёрлари синалган. Бунинг учун Дифен супернинг 0,06 кг/га , 0,08% кг/га , 0,1 кг/га, Хоруснинг 0,12 кг/га 0,14 кг/га ва 0,16 кг/га сарф-меъёрлари синалган. Фунгицидларнинг барча сарф меъёрлари самарали натижаларни намоён қилган. Улар орасида энг яхши кўрсаткич Дифен супер н.кук. фунгициди қўлланилган вариантда кузатилиб, унинг биологик самарадорлиги 81,2-86,3% бўлган. Хорус с.д.г. фунгициди ишлатилган вариантда эса бу кўрсаткич 70,1-76,1% ни ташкил этган. Назоратда, яъни фунгицид ишлатилмаган вариантда кулранг чириш касаллигини тарқалиши 24,9% ва ривожланиши 11,7% бўлган. Кичик дала тажрибаларида қулупнайнинг кулранг чириш касаллигига қарши ўсув даврида пуркалган фунгицидларнинг таъсир қилиш муддатлари ҳам ўрганилган. Энг юқори биологик самарадорлик Дифен супер н.кук. нинг 0,08 кг/га сарф-меъёри қўлланилган вариантда 10 сутка ўтгач 88,1% бўлганлиги кузатилган. Бу кўрсаткич Хорус с.д.г. фунгициди 0,15 л/га қўлланилган вариантда 75,0% бўлганлиги аниқланган. Фунгицид пуркалгандан сўнг 20 сутка ўтгач уларнинг биологик самарадорлиги мос равишда 69,6% ва

62,7% бўлган, 30 суткадан сўнг бу кўрсаткич мувофиқ ҳолда 50,8%, 49,2% бўлганлиги кузатилган. Қулупнайнинг кулранг чиришга қарши ишлатилган бу фунгицидларнинг таъсир кучи 20 суткадан бошлаб камайиши қайд этилган. Бу фунгицидларни ишлаб чиқаришда синаб кўриш тажрибаларида энг яхши натижа Дифен супер н.кук. фунгицидини 0,08 кг/га қўлланилган вариантда кузатилган, бунда биологик самарадорлик 85,8% га тенг бўлган. Хорус с.д.г. фунгицидининг 0,13% ли концентрациясининг биологик самарадорлиги 74,2% ни ташкил этган. Андоза варианти сифатида қўлланилган Бордо суюқлигининг биологик самарадорлиги 67,5% бўлган. Қулупнайнинг кулранг чириш касаллигига қарши ишлатилган Дифен супер н.кук. фунгицидининг 0,08 кг/га сарф-меъёри қўлланилганда ҳосилдорлик 51,4 ц/га бўлди ва назоратга нисбатан 10,8 ц/га ҳосил сақлаб қолинган. Назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик 25 300 000 сўмга, сарфланган бир сўмни оқланиши 14,8 марта, рентабеллик 25,3% бўлган. Тажриба натижаларидан келиб чиқиб қулупнайнинг кулранг чириш касаллигига қарши Дифен супер н.кук. фунгицидининг 0,08 л/га сарф-меъёрида қўллаш мақбул эканлиги аниқланган.

Оқ доғланиш касаллигига қарши Акробат МС с.д.г. ва Фундазол н.кук. фунгицидларининг турли сарф-меъёрлари кичик дала тажрибаларида синовдан ўтказилган ва уларни касаллик кўзғатувчи замбуруғга ҳамда ҳосилига таъсири ўрганилган. Андоза сифатида Бордо суюқлиги ва назорат учун дориланмаган ўсимликлар олинган. Касалликка қарши препаратлар 2 хил вариантда, 1-вариант, фунгицидлар қулупнайга икки марта кузда ва бир мартда баҳорда гул тугунчалари пайдо бўлишдан олдин пуркалди ҳамда 2-вариант, фунгицидлар уч марта кузда ва икки марта баҳорда, яъни гул тугунчалари пайдо бўлмасдан ва гуллаш олдидан қўлланилган.

